

Шахсий хонадонларини дезинфекциялаш кўзда тутилмаган

Биз айрим уйларда дезинфекция ишлари олиб борилаётганини кўряпмиз, бу барча уйларда амалга ошириладими?

□ Маълум қиласизки, ҳозирги вақтда фақат бозорлар ва озиқ-овқат маҳсолутлари савдо шаҳобчалари, такси хизмати кўрсатаётган автомобиллар, турли муассаса ва товар ишлаб чиқариш цехлари, ер ости ўтиш йўллари ва бошқа одамлар бориш эҳтимоли бўлган жойлар дезинфекция қилинмоқда.

Бундан ташқари, карантин назоратига олинган шахслар яшовчи уй кириш йўлаклари ва атрофи дезинфекция қилинмоқда.

Уй ва фуқароларнинг шахсий хонадонларини дезинфекциялаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун асло бегона одамларга эшикни очманг. Давлат муассасалари ходимларининг фуқаролар уйи ёки хонадонига бориши тақиқланади, уларни ўзингиз чақирган ҳолатлар бундан мустасно. Масалан, ТСЖ ёки тез ёрдам хизмати ходимлари.

2020-03-27 16:40:58